

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги

Жамоатчилик кенгаши

2024 й 8 август
57/1-28-сонли

Ўзбекистон Республикаси
Сув хўжалиги вазири
Ш.Хамраевга

Хурматли Шавкат Рахимович!

Кейинги йилларда юртимизда Жамоатчилик назоратини кучайтириш, ҳалқ билан давлат органларини яқинлаштириш давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда 2018 йил 12 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун қабул қилинганлиги ва бунга оид Президент қарори ҳамда тегишли вазирлик ҳамда ташкилотларда Жамоатчилик кенгашлари ташкил этилгани жамиятимизда жамоатчилик фикри ва унинг назорати қай даражада муҳим эканлигидан далолат бериб турибди. Қарорларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Сув хўжалиги вазирлиги 2020 йил 20 апрелда 108-сонли буйруғи чикарди ва бу буйруқ асосида Корақалпогистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда барча ИТҲ бошқармаларида Жамоатчилик кенгашлари ташкил қилинди ва ўз иш фаолиятларини бошлаб юборадилар.

Ўтган давр мобайнида Жамоатчилик кенгашларини ташкил қилиш бўйича барча ташкилий ишлар амалга оширилаб бир мунча эътиборга лойик ишлар ҳам амалга оширилди.

Жамоатчилик кенгашлари томонидан 2024 йил 1-ярим йилликда тасдиқланган иш режаларига асосан бир қатор оммавий ишлар ва тадбирлар амалга оширилди:

Жумладан: Биринчи навбатда Сув хўжалик ходимларини ижтимоий ҳимоялаш ва тизим ташкилотларида узоқ йиллар меҳнат қилиб ҳозирда меҳнат нафакасида бўлган ветеранларни ҳолидан хабар олишга алоҳида эътибор қаратилди. Янги йил, Наврӯз байрамлари ҳамда Рамазон ва Қурбон ҳайитларида гўшт, тухум ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан имконият даражасида таъминландилар ва пул мукофатлари ҳам берилди. Ярим йиллик давомида ички ва ташқи туризм бўйича ҳам барча ҳавза ташкилотлари ходимлари сайёҳатга бордилар.

Биринчи ярим йиллик даврида ИТҲ бошқармаларида ёшларни фаоллиги ошганлиги натижасида спорт мусобоқалари доимий равишда ўтқазилиб борилди, амалга оширилаётган ишлар ҳар доим маҳаллий матбуотда, телевидениеда кўратилиб турипти.

Тизим ташкилотларида ўтган даврда ишлаётган мутахассис ёшлар билан доимий учрашувлар ўтказилиб борилмоқда, уларни таклифлари ўрганилиб чиқилмоқда ва келгусида режалаштирилган ишларига кенг тушинчалар ва моддий кўмаклар берилмоқда. Бошқармаларда коррупцияга қарши курашиш бўйича тушинтириш ишлари доимий олиб борилмоқда.

Аёллар ва ёшлар етакчилари ўзларини тузиб олган иш режалари асосида амалий ишлар олиб бордилар. Барча давлат байрамлари тантанали равишда ўтқизилиб борилди.

Юқорида кўрсатилиб ўтилган барча амалга оширилаётган ишлар етарли эмаслигини тўғри тушиннамиз ва янада фаолроқ бўлиб ишлашга Жамоатчилик кенгаши аъзоларини жалб қиласиз.

Жамоатчилик кенгаши аъзолар ўз иш фаолиятларини атрофлича ўрганиб чиқиб, вазирлик томонидан айрим ҳал қилиб бериладиган масалаларни таклиф қилинмоқдалар:

Корақалпогистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва барча ИТҲ бошқармалари қўйидаги таклифларни бердилар:

1. Сув хўжалиги ташкилотларида узоқ йиллар меҳнат қилиб келаётган малакали гидротехник ва гидрометрлар олий маълумотга эга эмаслар, шуни ҳисобга олган ҳолда ҳар йили ҳар бир ИТҲ бошқармасида 5 кишини танлов асосида танлаб, ИТҲ бошлигининг тавсиясига мувофиқ ТИИИМСХда контракт асосида ўқитиши ташкиллаштириш ва контракт пулини ҳавза томонидан қоплаб берилиши;

2. Худди шундай шакл асосида сув хўжалиги тизимда фидокорона меҳнат қилиб келаётган ва меҳнат таътилига чиқиш олдида турган сув хўжалик ходимлари фарзандларини ҳавза раҳбарининг тавсиясига асосан имтиёзли равишда ТИИИМСХ ўқишига киришга амалий ёрдам кўрсатиш;

3. Йилдан-йилга мавжуд сув ресурсларини камайиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда мавжуд насос станциялари ва тик кудукларда чиқаётган сувларни йўқолишини камайтириш мақсадида, биринчи навбатда суғориш кудукларини босқичма-босқич ва насос станция сувларини (трубопровод ёрдамида) қувурли сув бошқаришга ўтқазиш;

4. Сув ресурсларини камайиб биришини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий қилиш майдонларини кенгайтириб бориши;

5. Сувни ўлчаш хажм асосида олиб боришлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир сув истеъмолчи чегарасида сув ўлчовчи мослама бўлишни талаб қилинади, мазкур ҳолатни ҳисобга олган ҳолда “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассаси томонидан шартнома асосида босқичма-босқич барча сув истеъмолчиларни сув олиш жойларида сув ўлчаш мосламаси қурилиши керак бўлади;

6. Сув хўжалиги тизими ташкилотларида ишлаётган бевосита сув ресурсларини бошқариш ишларида иштирок этаётган ходимларни

(гидрометрларни) ва ташкилотларда сув кадастр бўлими йўклиги сабабли ИТҲ бошқармасида ва куйи бўғинларда сув кадастр билан шуғулланадиган мутахассислар етишмаганлиги сабабли уларни малакасини оширишни босқичма-босқич нуфузли олий ўкув юртларида дастур асосида малакасини ошириш талаб қилинади;

7. Томчилатиб сугоришни жорий қилишда ишламаётган қурувчи пудрат корхоналарини реестрдан чиқариб ташлаш;

8. Барча сув ҳисобини онлайн-тизимида ташкил қилишни тезлаштириш;

9. Барча сув хўжалиги тизимда мавжуд бўлган техника паркларини замонавий шароитда ишлайдиган техника паркларига айлантириш;

10. ИТҲ бошқармалари мутахассисларини техник малакаларини ошириш мақсадида Республикаиз худудида ИТҲ бошқармалари ўртасида тажриба алмашини ишларини ташкиллаштириш;

11. ИТҲ бошқармалари тасарруфида бўлган ва шу кунларда ишлатилиб келинаётган сув хўжалиги обьектларининг айrim қисмларини лойиҳа-смета хўжжатлари йўқолиб кетган. Имконияти бўлса жойдаги лойиҳа-смета гуруҳлари ёрдамида обьектларни лойиҳа-смета хўжжатларни тиклаш ишларини ташкиллаштиришга амалий ёрдам кўрсатиш;

12. Хозирги кунда “Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида 95 насос станцияларини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида 1 босқичда 4та насос станциялари, жумладан Қоракўл тумандаги “Янгиобод”, “Пайкент” насос станциялари, Бухоро тумандаги “Жондор-3” кўтарма насос станцияси, Ғиждувон тумандаги “Сонтари” насос станцияси модернизация қилиниши белгилаб берилган, ушбу насос станцияларни модернизация қилиш ишларини тезлаштиришга амалий ёрдам бериш; колган бетасини - Жондор-1, Ёмонжар, Коравулбозор-10, Шарқ Юлдузи, Оқ Олтин, Сайёт насос станцияларини модернизация қилиш учун маблағларини ҳал қилиб бериш;

13. Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирини 2024 йил 25 январдаги 10-сонли йигилиш баёнида АБМК каналининг Бош иншоотида сув олишни яхшилаш мақсадида қўшимча 5та земснаряд ҳамда 4та бульдозер сотиб олиш учун АБМК каналини қайта тиклаш лойиҳаси доирасида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги қарз маблағларини иқтисод қилинган қисми ҳисобида амалга ошириш белгиланган. Ушбу техникаларни сотиб олишни тезлаштиришни сўралади;

14. Туркманистон давлат худудида сув хўжалиги обьектларида таъмирлаш-тиклаш ишларини учун пудрати ташкилотларни тезроқ ва қулай тарзда аниқлашда etender порталидан фойдаланиш;

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати мажлисининг 2024 йил 13 апрелдаги 32-сонли баёнда белгиланган Аму-Бухоро машина каналининг Бош иншоотининг реконструкция ва модернизация қилиш ишларини тезлаштириш;

16. Сурхондарё вилоятининг Бондихон туманида фаолият кўрсатаётган Мелиорация ва сув хўжалиги касб-хунар коллежига кириш учун вазирлик томонидан контракт тўловини тўлашга имтиёз яратиб бериш, чунки ИТҲ бошқармасида ишлаётган айrim ходимларни ўрта маҳсус маълумотга ҳам эга эмаслар, агар ёрдам қиликса, шу ходимлар ўқиб касб хунарга эга бўладилар;

17. Навоий вилоятидаги Кармана гидроузелда сув оладиган Ўнг Қирғоқ каналини ПК0дан ПК100гача реконструкция қилишини талаб қиласди, бу объектни реконструкция қилиш режасига киритиш кераклиги сўралади.

Хурмат билан,

**Жамоатчилик
Кенгаши раиси**



Л.Мухамедназаров